

ISSN: 3030-3877

AJCD
2024

<https://tadqiqot.uz/index.php/spjacd>



Annals of clinical disciplines



VOLUME 2, ISSUE 3/1

2025

ISSN 3030-3877

DOI Journal 10.26739/3030-3877

ANNALS OF CLINICAL DISCIPLINE


2 ЖИЛД, 3/1 СОН

АННАЛЫ КЛИНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН

ТОМ 2, НОМЕР 3/1

КЛИНИК ФАНЛАР ЙИЛНОМАСИ

VOLUME 2, ISSUE 3/1



ТОШКЕНТ-2025

ANNALS OF CLINICAL DISCIPLINE

АННАЛЫ КЛИНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН | КЛИНИК ФАНЛАР ЙИЛНОМАСИ

№3/1 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/0000-0000-2025-3/1>

BOSH MUHARRIR: | ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР: | CHIEF EDITOR:

Sh. J. Teshayev

“Klinik fanlar yilnomasi” jurnali bosh muharriri, Buxoro davlat tibbiyot instituti rektori, t.f.d., professor

BOSH MUHARRIR O'RINBOSARI: | ЗАМЕСТИТЕЛЬ
ГЛАВНОГО РЕДАКТОРА: | DEPUTY CHIEF EDITOR:

D. A. Xasanova

“Klinik fanlar yilnomasi” jurnali bosh muharrir o'rinosari, Buxoro davlat tibbiyot instituti anatomiya va klinik anatomiya kafedrası professori, DSc

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

- **U.K. Abdullayeva** - “Klinik fanlar yilnomasi” jurnali mas'ul kotibi, Buxoro davlat tibbiyot instituti fakultet va gospital terapiya, nefrologiya va gemodializ kafedrası dotsenti, DSc;
- **M.J. Sanoyeva** - Buxoro davlat tibbiyot instituti nevrologiya kafedrası dotsenti, DSc
- **A.G. Gadayev** - Toshkent tibbiyot akademiyasi 3-son ichki kasalliklar kafedrası professori, t.f.d.
- **A.R. Obloqulov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti, yuqumli kasalliklar va bolalar yuqumli kasalliklari kafedrası mudiri, t.f.d., professor
- **D.A. Nabiyeva** - Toshkent tibbiyot akademiyasi, 1-son fakultet va gospital terapiya, kasb kasalliklari kafedrası mudiri, t.f.d., professor
- **Sh.T. O'roqov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti xirurgik kasalliklar kafedrası mudiri, DSc, dotsent
- **M.M. Karimov** - Respublika ixtisoslashtirilgan terapiya va reabilitatsiya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi “Gastroenterologiya” ilmiy laboratoriyasi boshlig'i, t.f.d., professor
- **N.U. Narzullayev** - Buxoro davlat tibbiyot instituti otorinilaringologiya kafedrası professori, DSc
- **G.N. Sobirova** - Toshkent tibbiyot akademiyasi reabilitatsiya va jismoniy tarbiya kafedrası professori, t.f.d.
- **F.S. Raupov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti bolalar xirurgik kasalliklari kafedrası mudiri, DSc, dotsent
- **Sh.B. Axrorova** - Buxoro davlat tibbiyot instituti, nevrologiya kafedrası dotsenti, DSc.
- **V.R. Akramov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti travmatologiya va neyroxirurgiya kafedrası mudiri, DSc, dotsent
- **I.K. Sadullojeva** - Buxoro davlat tibbiyot instituti bolalar kasalliklari propedevtikasi va bolalar nevrologiyasi kafedrası mudiri, DSc, dotsent

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

- **G.J. Jarilkasinova** - Buxoro davlat tibbiyot instituti oilaviy shifokorlarni qayta tayyorlash kafedrası professori, DSc
- **U.S. Mamedov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti onkologiya kafedrası mudiri, DSc, dotsent
- **A.A. Saidov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti ortopedik stomatologiya va ortodontiya kafedrası professori DSc
- **N.N. Karimova** - Buxoro davlat tibbiyot instituti 3-son akusherlik va ginekologiya kafedrası mudiri, DSc, dotsent
- **U.K. Qayumov** - tibbiyot xodimlarini kasbiy malakasini oshirish markazi ichki kasalliklar kafedrası mudiri, t.f.d., professor
- **M.E. Raximova** - Toshkent tibbiyot akademiyasi, 3-son ichki kasalliklar kafedrası dotsenti, t.f.d.
- **R.I. To'raqulov** - Toshkent tibbiyot akademiyasi, 3-son ichki kasalliklar kafedrası professori, t.f.d.
- **Ch.S. Pavlov** - I.M. Sechenov nomidagi birinchi Moskva davlat tibbiyot universiteti terapiya kafedrası mudiri, t.f.d., professor
- **L.B. Novikova** - Rossiya Federatsiyasi Sog'liqni saqlash vazirligining “Janubiy Ural davlat tibbiyot universiteti” federal davlat byudjet oliy ta'lim muassasasi dermatovenerologiya kafedrası professori, t.f.d.
- **O.I. Letyayeva** - Rossiya Federatsiyasi Sog'liqni saqlash vazirligining “Janubiy Ural davlat tibbiyot universiteti” federal davlat byudjet oliy ta'lim muassasasi dermatovenerologiya kafedrası professori, t.f.d.
- **I.V. Reverchuk** - I.Kant nomidagi Boltiq federal universiteti psixonevrologiya va psixosomatika kafedrası mudiri, t.f.d., professor
- **Edip Gonullu** - Izmir Bakirchay universiteti anesteziya va reanimatsiya kafedrası dotsenti, t.f.d.
- **Eva Lietto** - Italiya Campania universiteti “Luigi Vanvitelli”ning tarjima tibbiyot fanlari kafedrası mudiri, t.f.d., professor

Журнал включен в перечень ВАК национальных научных изданий, рекомендуемых для публикации основных научных результатов диссертаций по медицинским наукам постановлением № 369/6 от 5 апреля 2025 г.

© Page Maker | Верстка | Сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

О журнале

Журнал зарегистрирован в Агентство информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан № С-239963 от 14 марта 2024 года

Адрес редакции: Республика Узбекистан, 200114, г. Бухара, ул. Гиждуван, 23
Телефон: +998(65)2230050
Сайт: <https://tadqiqot.uz/index.php/spjacd>
e-mail: abumkur14@gmail.com

1. Abdullayeva U.K., Rakhimova M.B.	
Pomegranate seed oil for ulcerative colitis.....	7
2. Abdurakhmonova Q., Rakhimbaeva G.	
Inflammatory biomarkers and insulin resistance in acute ischemic stroke of different etiologies...	12
3. Boymuradov Sh.A., Khatamov U.A.	
Biomechanical and clinical analysis of atypical counterforces in maxillofacial trauma from electromechanical impacts.....	19
4. Baymuratova A.Ch.	
Tizza bo'g'imi ichki strukturalari jarohatlanishlarini utt orqali klinik baholash va fizioterapevtik reabilitatsiyani optimallashtirish	26
5. Boboyev Sh.R., Saidov G.N., Keldiyorova Z.D.	
Tajribaviy oshqozon-ichak traktining sirka kislotasi bilan kimyoviy kuyishida yo'g'on ichak devoridagi morfologik o'zgarishlarning qiyosiy tavsifi.....	32
6. Jumaeva G.A.	
Klinik farmakologiyada innovatsion o'quv modeli: talaba markazli yondashuv.....	38
7. Keldiyorova Z.D., Zaripova S.O.	
O'tkir respirator virusli infeksiyalar va torch- infeksiyasi bilan kasallangan bolalarda klinik-laborator o'zgarishlar.....	43
8. Khalikova F.Sh.	
Morphological structure of the thyroid gland of white rats in chemotherapy of breast cancer.....	51
9. Mirzayeva M.R., Yodgorova M.Sh.	
Latent course of liver fibrosis in patients with chronic hepatitis B: comparative evaluation of noninvasive diagnostic methods (APRI, FIB-4 and fibroscan).....	58
10. Muradimova A.R., Madjidova Y.N., Khidoyatova D.N., Sharipov F.R.	
Bioacoustic correction of cognitive impairment in stroke patients.....	69
11. Najmutdinova D.Q., Ismoilova Sh.S.	
2-tur natriy-glyukoza kotransportyori ingibitorlarini qo'llashda jigar fibroz ko'rsatkichlari va insulinga rezistentlik dinamikasi.....	74
12. Nazirxujayev F.A.	
Farg'ona viloyati aholisi orasida "O'rta yer dengizi parxezi"ni qo'llash orqali surunkali pankreatit xurujlari profilaktikasini optimallashtirish.....	79
13. Nurmatova O.A.	
Bolalarda nefrotik sindromning profilaktikasini takomillashtirish yo'llari (Farg'ona viloyati misolida).....	84
14. Ortiqboev J.O.	
Molecular genetic analysis of the renin–angiotensin system in chronic kidney disease.....	89

15. Oxunova M.J.	
Farg'ona viloyatida 3 yoshgacha bolalarda pnevmoniya rivojlanishiga ta'sir etuvchi asosiy xavf omillari.....	95
16. Rasulova N.R. Temirova N.R.	
Tajribaviy kimyoterapiya natijasida ayrisimon bezdagi morfologik o'zgarishlarning qiyosiy tahlili.....	99
17. Raxmatullayeva G.K., Axmedova N.A., Kasimova M.B., Xudayberganova N.X.	
Oshqozon-ichak kasalliklarida so'rovnomas o'tkazish va uni o'rganish.....	108
18. Subkhanova Z.S., Raimkulova N.R.	
Interrelationship between gastroesophageal reflux disease and respiratory diseases: general pathogenetic mechanisms and modern research findings.....	112
19. Subxanova Z.S., Raimkulova N.R.	
Gastroezofageal reflyuks kasalligi, surunkali obstruktiv o'pka kasalligi va bronxial astma: komorbidlikning dolzarb masalalari.....	115
20. Temirova M.B., Kasimova M.B., Axmedova N.A.	
Metabolik assotsirlangan jigar yog' kasalligida bemorlarning tana tuzilishini bioimpedance spektroskopiya yordamida baholash.....	118
21. Tukhtaeva N.Kh., Musayev H.N.	
Development of gastropathy against the background of nonsteroidal anti-inflammatory drugs in patients with rheumatoid arthritis against the background of virulent genes of helicobacter pylori.....	123
22. Абдуллаева У.К., Рахимова М.Б.	
Ярали колит хавф омиллари: замонавий қарашлар.....	128
23. Абдулхаков И.У., Абдулхаков М.И.	
Общеврачебная практика как эффективная модель профилактики неинфекционных заболеваний.....	132
24. Адизова С.Р., Носирова З.Ж.	
Преэклампсия оғирлашувида гемостаз тизимининг таъсири.....	143
25. Акрамов О.З., Аблязов О.В., Кадыров Ш.У.	
Инновационные подходы нейровизуализации при опухолях функционально важных участков мозга у детей.....	149
26. Аликулова Н.А., Ўринова Г.М.	
Мия инфаркти ва СМИ ўтказган беморларда клиник-функционал кўрсаткичлар динамикаси.....	156
27. Алимов А.А., Алимов А.В., Шарипов А.М., Шоикрамов Ш.Ш.	
Профиль инотропной поддержки у детей после коррекции врождённых пороков сердца: частота, дозы и динамика применения.....	166
28. Аллокулов Р.Р., Акрамов В.Р., Нуралиев Ф.Н.	
Кекса ва қари ёшдаги шахсларда гонартрознинг клиник-иммунологик жихатлари.....	172

29. Асадов Х.Ф.

Хирургия мигрени: сравнительный анализ двух хирургических методик лечения височной мигрени: нейроэктомия и декомпрессия ветви скуловисочного нерва.....182

30. Аскарров Ш.Ш., Салахитдинов Ш.Н.

Перспективные интервенционные технологии при тромботических осложнениях острого коронарного синдрома.....187

31. Гадаев А., Халимова Х., Гадаева Н.

Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва артериал гипертензияда буйраклар дисфункцияси (адабиётлар шархи).....193

32. Гаффорова В.Ф., Ходжиева Д.Т.

Клинико-нейрофизиологические характеристики фебрильных судорог у детей.....200

33. Давлетова Ш.Б.

Роль микробиоты кишечника в развитии неврологических заболеваний у детей.....205

34. Даминов Б.Т., Ортикбоев Ж.О.

Уровень витаминов группы В и витамина Д у больных с хронической болезнью почек в зависимости от прогрессирования заболевания.....216

35. Джураев И.Б., Курбанов О.М., Бабаназаров У.Т.

Клинические проявления патологий желудка у больных в критическом состоянии в условиях искусственного дыхания.....221

36. Жалалова В.З.

Оптимизация восстановительных процессов при физических нагрузках с помощью спирулины: морфофункциональные и клинические аспекты.....229

37. Ибодуллаева Н.М.

Бачадон саратон олди касалликлари бўлган аёлларда неврологик ва психоэмоционал ўзгаришларнинг психосоматик жиҳатлари.....237

38. Иноятлов А.Ш., Ражаматов Т.Р., Умаров Б.Я.

Функциональная и иммунологическая обоснованность применения щечного жирового лоскута при палатопластике в детском возрасте.....241

УДК: 616.344-002-031.84:613.2

¹Абдуллаева Умида Курбановна, ²Рахимова Малика Ботир кизи

Бухоро Давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

¹<https://orcid.org/0000-0002-1495-3668>²<https://orcid.org/0009-0009-7697-5369>**ЯРАЛИ КОЛИТ ХАВФ ОМИЛЛАРИ: ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАР** <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17352849>**АННОТАЦИЯ**

Ярали колит (ЯК) йўғон ичакнинг сурункали яллиғланиши бўлиб, асосан меҳнатга лаёқатли ёшлар орасида кўп учрайди ва ижтимоий аҳмиятга молик. Бутун дунё бўйича ярали колит билан касалланиш ҳамда унинг тарқалиши йилига 100.000 аҳолига мос равишда 1,2-20,3% ва 7,6-245 ҳолатни ташкил қилади. Европа тадқиқотлари ярали колитнинг беморлар ҳаёт сифати ва даражаси, уларнинг иш билан машғуллиги, атрофдагилар билан муносабатига таъсирини тасвирлаб берган. Жаҳонда 20%дан ортиқ беморлар ўз ҳаётларида ҳожатга тез-тез чиқиш ёки ахлат йиғувчига эҳтиёжлари билан боғлиқ муаммоларга дуч келишади. Касалликка кеч ташхис қўйиш, оғир ва асоратли шакллари унинг яширин кечишидан далолат беради.

Калит сўзлар: ярали колит, хавф омиллари, эпидемиология, замонавий қарашлар.

Абдуллаева Умида Курбановна, Рахимова Малика Ботир кизи

Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

ФАКТОРЫ РИСКА ЯЗВЕННОГО КОЛИТА: СОВРЕМЕННЫЕ ВЗГЛЯДЫ**АННОТАЦИЯ**

Язвенный колит (ЯК) - это хроническое воспаление толстой кишки, преимущественно встречающееся среди трудоспособной молодежи и имеющее социальное значение. Заболеваемость и распространенность язвенного колита во всем мире составляет 1,2-20,3% и 7,6-245 случаев на 100 000 населения в год соответственно. Европейские исследования описывают влияние язвенного колита на качество и уровень жизни пациентов, их занятость, отношения с окружающими. В мире более 20% пациентов сталкиваются с проблемами в своей жизни, связанными с частыми туалетами или потребностями в мусорщике. Поздняя диагностика заболевания, тяжелые и осложненные формы указывают на его скрытое течение.

Ключевые слова: язвенный колит, факторы риска, эпидемиология, современные взгляды.

Abdullayeva Umida Kurbanovna, Rakhimova Malika Bobir kizi

Bukhara State Medical Institute, Bukhara, Uzbekistan

RISK FACTORS FOR ULCER COLITIS: MODERN VIEWS**ABSTRACT**

Ulcerative colitis (UL) is a chronic inflammation of the large intestine, which occurs mainly among working-age youth and has social significance. The incidence and prevalence of ulcerative colitis worldwide is 1.2-20.3% and 7.6-245 cases per 100,000 population per year, respectively. European studies have described the impact of ulcerative colitis on the quality and standard of life of patients, their employment, and their relationships with others. Worldwide, more than 20% of patients face problems in their lives related to frequent urination or the need for a garbage collector. Late diagnosis of the disease, severe and complicated forms indicate its latent course.

Keywords: ulcerative colitis, risk factors, epidemiology, modern views.

Ярали колит (ЯК) – йўғон ичакнинг сурункали, сабаби аниқ бўлмаган яллиғланиши бўлиб, шиллик қаватнинг узлуксиз юзаки яллиғланиши ҳамда тўғри ичакдан йўғон ичакнинг юқори қисмларигача турли даражада тарқаладиган касаллигидир. ЯК рецидивланувчи ва ремиттирловчи кечиш хусусиятига эга. ЯКнинг фарқланувчи белгилари ўз ичига пешобга чақирув ва ахлат чиқишига чақирув билан биргаликда келувчи қонли ич кетишини олади. ЯК этиологияси мунозара остида қолаётганига қарамасдан, асосида аутоиммун жараён ётишини кўпгина маълумотлар исботлаб бермоқда. Кўпгина беморларда бир қанча аутоиммун бузилишлар билан умумий ўхшашликлари мавжуд аъзоларнинг зарарланишини жараёнга жалб этилиши каби ЯКнинг ичакдан ташқари белгилари (ИТБ) кузатилади. АҚШда ЯК билан боғлиқ ҳар йиллик харажатлар 8,1-14,9 млрд. доллар билан баҳоланади [1].

ЯК илк маротаба Samuel Wilks томонидан 1859 йилда тасвирланган. Дунёда Крон касаллиги (КК) га қараганда ЯК кўпроқ учрайди. ЯК саноати ривожланган давлатларда кенг тарқалган бўлиб, Осиёда касалланиш тобора ортмоқда [2, 3]. Буюк Британияда ўтказилган истиқболли тадқиқотлар Жанубий Осиёдан Буюк Британияга келиб қолган иммигрантларнинг иккинчи авлодида ЯК билан касалланиш Европа аҳолисига қараганда кўпроқ эканлигини кўрсатди (йилига 100.000 аҳолига 17,2 ва 7 касалланиш) [4, 5]. Бутун дунё бўйича ЯК билан касалланиш ҳамда касаллик тарқалиши йилига 100.000 аҳолига мос равишда 1,2-20,3 ҳамда 7,6-245 ҳолатни ташкил қилади [6, 7, 8]. Турли тадқиқотлар этник ва ирқий фарқлар наслий фарқлардан кўра кўпинча атроф-муҳит таъсири, овқатланиш одатлари ва ҳаёт тарзи билан боғлиқлигини кўрсатди. Аҳолида ўтказилган тадқиқотлар ЯКда жинсий фарқлар йўқлигини аниқлаб берди [9]. ЯК билан касалланиш 2 ёш даврлилиқ хусусиятига эга бўлиб, касалланиш биринчи чўққиси инсонлар ҳаётининг иккинчи ёки учинчи ўн йиллиги ҳамда иккинчи чўққиси 50 ёшдан 80 ёшгача бўлган вақтга тўғри келади [10].


ЯК эпидемиологиясининг ўзига хос хусусияти охириги йилларда меҳнатга лаёқатли ёшдаги ёшлар орасида ушбу касалликнинг тарқалиши бўлиб ҳисобланади [1, 2]. Европа тадқиқотлари ярали колитнинг беморлар ҳаёт сифати ва даражаси, уларнинг иш билан машғуллиги, атрофдагилар билан муносабатига таъсирини тасвирлаб берган. Дунё бўйича 20%дан ортиқ беморлар ўз ишларида ҳожатга тез-тез чиқиш ёки ахлат йиғувчига эҳтиёжлари билан боғлиқ муаммоларга дуч келишади [3]. Касалликка кеч ташхис қўйиш, касалликнинг оғир ва асоратли шакллари унинг юқори леталлигини билдиради.

Ярали колит хавф омиллари

1. Ёш ва жинс: ЯК билан касалланиш 2 ёш даврлилиқ хусусиятига эга бўлиб, касалланиш биринчи чўққиси инсонлар ҳаётининг иккинчи ёки учинчи ўн йиллиги ҳамда иккинчи чўққиси 50 ёшдан 80 ёшгача бўлган вақтга тўғри келади [12]. Ярали колит билан касалланишда жинслар ўртасидаги фарқ топилмаган бўлса-да, баъзи тадқиқотлар эркакларда ушбу касаллик кўпроқ учрашини кўрсатган [7].

2. Ирқ ва этник келиб чиқиш: ичак яллиғланиш касалликлари (ИЯК) билан касалланиш яхудий бўлмаган аҳолига қараганда яхудийларда 3 марта кўпроқ учрайди. Яхудий аҳоли орасида яхудий-ашкеназларларда сефардларга, америкалик ва европалик яхудийларга қараганда касаллик тарқалиши кўпроқ. Дастлабки тадқиқотлар афроамерикалик ва испан тилида гаплашадиган этник гуруҳларда ИЯК тарқалиши жуда камлигини кўрсатган, аммо яқинда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оқ ва оқ бўлмаган аҳоли орасида касалланишдаги фарқлар мос фенотипларда олдинги тадқиқотларга қараганда камроқ эканлиги аниқланган.

3. Ирсият: 8-14% ЯК билан беморларда оилавий анамнезида ИЯК, айниқса ЯК кўпроқ учраши аниқланган (1-расм).



1-расм. Ярали колитнинг энг муҳим хавф омиллари

Беморнинг биринчи даражали яқин қариндошларида пробанд-яхудий бўлмаганларга қараганда (1,6%) пробанд-яхудийларда ЯК ривожланиш нисбий хавфи 4,5% деб баҳоланган [9]. Эгизакларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, монозиготали эгизакларда ушбу хавф 156% ва дизиготали эгизакларда 4% ни ташкил қилган [7]. Баъзи тадқиқотларда ЯК клиник кечишининг генетик башоратчиларини аниқлашга ҳаракат қилинган. Умумий геном уюшмавий тадқиқот (GWAS)га асосан, TNFSF15 (TL1A) локуси ЯК оғир кечиш хавфини ошириши аниқланган. Бошқа тадқиқотлар эса H1B, ABCB1/MDR17, HSP708 и HLA-DR29 генларидаги полиморфизмлар ЯК оғир кечиш башоратчилари эканлигини тасвирлаган [10].

4. Чекиш: Harries ва ҳаммуал. биринчи бўлиб ЯК билан чекиш ўртасидаги боғлиқликни тасвирлаб беришган [2]. ККдан фарқли ўлароқ, фаол кечаётган ЯК билан фаол чекиш ўртасида кучли қайтар алоқа мавжуд [1]. Истикболли тадқиқотларда чекишни ташлагандан 2-5 йилдан сўнг ЯК ривожланиш хавфи ортган ҳамда 20 йил давомида юқори даражада сақланиб қолганлиги аниқланган [1]. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда чекиш касаллигининг кечроқ бошланиш ёши, касаллиқнинг нисбатан яхшироқ кечиши, иммуносупрессияга ва жарроҳлик аралашувига камроқ эҳтиёжи билан боғлиқдир. Бирок никотинни алмаштириш касаллик фаоллигини пасайтириши аниқланмаган [2].

5. Пархез: ИЯК ривожланиши овқат антигенларига бўлган иммунологик реакция натижасида келиб чиқиши ҳақида тахминлар қилинади. Ғарб таомланиш стили (турли зиралар билан ишлов берилган гўшт, қайта ишлов берилган углеводлар ва бошқалар) ИЯК ривожланиш хавфини оширади. Ёшлигидан сигир сути оксигенига юқори сезгирлик назорат гуруҳига қараганда ЯК тахминий сабаби эканлиги айtilган (мос равишда 3% ва 21%). Шунингдек овқат билан бирга умумий ёғларнинг, ҳайвон ёғларининг ва тўйинмаган ёғ кислоталарининг ортиқча қабул қилиниши ЯК билан касалланиш хавфини оширади [2].

6. Ичак микробиоти: бир қанча эпидемиологик тадқиқотлар ИЯКда ичак микробиотининг дисбактериози касалликка олиб келиш эҳтимоллигини кўрсатади. Дисбактериоз бактериал омилларга бўлган иммун жавоб бошқарилишининг бузилишига олиб келувчи комменсал бактериялар популяцияси таркибининг ўзгариши сифатида таърифланади. Бундай ўзгаришлар ЯКга қараганда кўпинча ККда кузатилади. Соғлом ака-ука ва опа-сингилларда ичак шиллиқ қавати транскрипцияси ёки уларнинг соғлом эгизакларида бактериал ген намоён бўлиши билан ушбу касаллик кўпроқ боғланган, бу эса

ИЯКда шиллиқ қават ва ичак микробиоти ўртасидаги боғлиқлик бузилганлигини белгилайди. Бундан ташқари, бактериал дисбактериозга боғлиқ бўлмаган ҳолда, Caudovirales оиласига мансуб бактериофаглар экспансияси билан ЯКда ичак вирамида бузилишлар ҳақида маълумотлар мавжуд [3].

7. Аппендэктомия: Чекишга ўхшаб, аппендэктомия ҳам ЯК ва ККга турли таъсир кўрсатади. Йирик когорт тадқиқотларга асосан 20 ёшгача яллиғланиш туфайли (аппендицит ёки мезентериал лимфаденит) аппендэктомия ўтказган беморларда ЯК ривожланиш хавфи паст. Бунга қарама-қарши равишда КК ривожланиш хавфи аппендэктомиядан кейин ортган. ЯК билан касалланган аппендэктомия бўлган беморларда касалликнинг нисбатан енгил кечиши, қайта қўзишларнинг кам учраши, иммуносупрессияга эҳтиёжнинг камайиши билан бирга келган, аммо колэктомия хавфига аниқ таъсир кўрсатмаган [6].

Хулоса

Бутун дунё замонавий соғлиқни сақлаш тизимида даволашда энг мукаммал усулни танлаш ҳамда ундан кейинги реабилитация масалалари биринчи ўринда туришини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу муаммони ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Даволашга асосий ёндашувда касаллик оғирлик даражасига, унинг давомийлигига, қайта қўзишлар сонига, илгари даволашга амал қилганлигига, дори воситаларининг ножўя таъсирига ва ичакдан ташқари белгиларга таянилади. Мазкур касаллик реабилитациясида эса оксил-энергетик танқисликка, асосий хасталик кечишини ва оқибатини оғирлаштирилишига олиб келадиган нутритив ҳолат бузилишларини аниқлаш ва уларни ўз вақтида меъёрлаштириш усулларига етарлича аҳамият қаратилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Cohen R.D. et al. Systematic review: the costs of ulcerative colitis in Western countries // Aliment Pharmacol Ther . – 2010. - №31. – P. 693–707.
2. Белоусова Е.А. др. Инфликсимаб: 10 лет успешного применения при воспалительных заболеваниях кишечника // Клиническая фармакология и терапия. – 2010. – № 19(1). – С.50–54.
3. Subasinghe D. et al. Disease characteristics of inflammatory bowel disease (IBD). // J Gastrointest Surg. – 2011. - №15. – P. 1562–1567.
4. Ватулин Н. и др. Неспецифический язвенный колит // Архив внутренней медицины. - 2015. - №4 (24). - С. 62-65.
5. Горохова В.Г. и др. Фекальный кальпротектин и микробиота кишечника // Acta Biomedica Scientifica. – 2016. - №1(4). – №145-149.
6. Давыдова О.Е. Оптимизация диагностики и лечения пациентов с тяжелыми формами язвенного колита // автореферат диссертации...14.01.17 – хирургия. - 2019. - С.1-22
7. Shivashankar R. et al. Incidence and prevalence of Crohn's disease and ulcerative colitis in Olmsted County, Minnesota from 1970 through 2010 // Clin Gastroenterol Hepatol. – 2017. - №15. – P. 857–863.
8. Дусанов А.Д. и др. Клинико- иммунологические паралели неспецифического язвенного колита // Гепато-гастроэнтерологик тадқиқотлар журналы. – 2020. - №1. - С. 34-37.
9. Березняк Н.В. Клинические аспекты болезни Крона // Автореферат диссертации. – 2020. – Москва. – С. 1-25. Сорогин С.А. Клинические и хирургические аспекты язвенного колита // Дисс. к.м.н. – 2023. – 161-с.
10. Хайдаров С.А. Носпецифик ярали колитда даволаш тактикасини такомиллаштириш йўллари // Диссертация автореферати. – Андижон. – 2024. – Б. 1-50

ANNALS OF CLINICAL DISCIPLINE

АННАЛЫ КЛИНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН КЛИНИК ФАНЛАР ЙИЛНОМАСИ

Научно-практический журнал по всем
направлениям медицины
основан в 2024 году

Бухарским государственным
медицинским институтом

Выходит один раз в 3 месяца

Учредитель Бухарский государственный
медицинский институт